SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

12-son (4-jild)

2024

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Sayt:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V4I12Y2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## IJTIMOIY-GUMANITAR FANLARNING DOLZARB MUAMMOLARI

***№ 12 (4) - 2024***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**TOSHKENT-2024**

**BOSH MUHARRIR:**

Isanova Feruza Tulqinovna

**TAHRIR HAY'ATI:**

*07.00.00-TARIX FANLARI:*

Yuldashev Anvar Ergashevich – tarix fanlari doktori, siyosiy fanlar nomzodi, professor, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Mavlanov Uktam Maxmasabirovich – tarix fanlari doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Xazratkulov Abror – tarix fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti.

Tursunov Ravshan Normuratovich – tarix fanlari doktori, O'zbekiston Milliy Universiteti;

Xolikulov Axmadjon Boymahammatovich – tarix fanlari doktori, O'zbekiston Milliy Universiteti;

Gabrielyan Sofya Ivanovna – tarix fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston Milliy Universiteti.

Saidov Sarvar Atabullo o'g'li – katta ilmiy hodim, Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi, ilmiy tadqiqotlar bo'limi.

*08.00.00-IQTISODIYOT FANLARI:*

Karlibayeva Raya Xojabayevna – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Nasirxodjayeva Dilafruz Sabitxanovna – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Ostonokulov Azamat Abdukarimovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Toshkent moliya instituti;

Arabov Nurali Uralovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Samarqand davlat universiteti;

Xudoyqulov Sadirdin Karimovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Azizov Sherzod O'ktamovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston Respublikasi Bojxona instituti;

Xojayev Azizxon Saidaloxonovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent, Farg'ona politexnika instituti

Xolov Aktam Xatamovich – iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Shadiyeva Dildora Xamidovna – iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent v.b, Toshkent moliya instituti;

Shakarov Qulmat Ashirovich – iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti

*09.00.00-FALSAFA FANLARI:*

Hakimov Nazar Hakimovich – falsafa fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Yaxshilikov Jo'raboy – falsafa fanlari doktori, professor, Samarqand davlat universiteti;

G'aybullayev Otabek Muhammadiyevich – falsafa fanlari doktori, professor, Samarqand davlat chet tillar instituti;

Saidova Kamola Uskanbayevna – falsafa fanlari doktori, "Tashkent International University of Education" xalqaro universiteti;

Hoshimxonov Mo'min – falsafa fanlari doktori, dotsent, Jizzax pedagogika instituti;

O'roqova Oysuluv Jamoliddinovna – falsafa fanlari doktori, dotsent, Andijon davlat tibbiyot instituti, Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasi mudiri;

Nosirxodjayeva Gulnora Abdukaxxarovna – falsafa fanlari nomzodi, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Turdiyev Bexruz Sobirovich – falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent, Buxoro davlat universiteti.

*10.00.00-FILOLOGIYA FANLARI:*

Axmedov Oybek Saporbayevich – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Ko'chimov Shuxrat Norqizilovich – filologiya fanlari doktori, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Hasanov Shavkat Ahadovich – filologiya fanlari doktori, professor, Samarqand davlat universiteti;

Baxronova Dilrabo Keldiyorovna – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Mirsanov G'aybullo Qulmurodovich – filologiya fanlari doktori, professor, Samarqand davlat chet tillar instituti;

Salaxutdinova Musharraf Isamutdinovna – filologiya fanlari nomzodi, dotsent, Samarqand davlat universiteti;

Kuchkarov Raxman Urmanovich – filologiya fanlari nomzodi, dotsent v/b, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Yunusov Mansur Abdullayevich – filologiya fanlari nomzodi, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Saidov Ulugbek Aripovich – filologiya fanlari nomzodi, dotsent, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi.

*12.00.00-YURIDIK FANLAR:*

Axmedshayeva Mavlyuda Axatovna – yuridik fanlar doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna – yuridik fanlar doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Esanova Zamira Normurotovna – yuridik fanlar doktori, professor, Oʻzbekiston Respublikasida xizmat koʻrsatgan yurist, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Hamroqulov Bahodir Mamasharifovich – yuridik fanlar doktori, professor v.b., Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti;

Zulfiqorov Sherzod Xurramovich – yuridik fanlar doktori, professor, Oʻzbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti;

Xayitov Xushvaqt Saparbayevich – yuridik fanlar doktori, professor, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Asadov Shavkat Gʻaybullayevich – yuridik fanlar doktori, dotsent, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Ergashev Ikrom Abdurasulovich – yuridik fanlari doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Utemuratov Maxmut Ajimuratovich – yuridik fanlar nomzodi, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Saydullayev Shaxzod Alixanovich – yuridik fanlar nomzodi, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Hakimov Komil Baxtiyarovich – yuridik fanlar doktori, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Yusupov Sardorbek Baxodirovich – yuridik fanlar doktori, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Amirov Zafar Aktamovich – yuridik fanlar boʻyicha falsafa doktori (PhD), Oʻzbekiston Respublikasi Sudyalar oliy kengashi huzuridagi Sudyalar oliy maktabi;

Joʻrayev Sherzod Yuldashevich – yuridik fanlar nomzodi, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Babadjanov Atabek Davronbekovich – yuridik fanlar nomzodi, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Rahmatov Elyor Jumaboyevich - yuridik fanlar nomzodi, Toshkent davlat yuridik universiteti;

*13.00.00-PEDAGOGIKA FANLARI:*

Xashimova Dildarxon Urinboyevna – pedagogika fanlari doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Ibragimova Gulnora Xavazmatovna – pyedagogika fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Zakirova Feruza Maxmudovna – pedagogika fanlari doktori, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti huzuridagi pedagogik kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tarmoq markazi;

Kayumova Nasiba Ashurovna – pedagogika fanlari doktori, professor, Qarshi davlat universiteti;

Taylanova Shoxida Zayniyevna – pedagogika fanlari doktori, dotsent;

Jumaniyozova Muhayyo Tojiyevna – pedagogika fanlari doktori, dotsent, Oʻzbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Ibraximov Sanjar Urunbayevich – pedagogika fanlari doktori, Iqtisodiyot va pedagogika universiteti;

Javliyeva Shaxnoza Baxodirovna – pedagogika fanlari boʻyicha falsafa doktori (PhD), Samarqand davlat universiteti;

Bobomurotova Latofat Elmurodovna - pedagogika fanlari boʻyicha falsafa doktori (PhD), Samarqand davlat universiteti.

*19.00.00-PSIXOLOGIYA FANLARI:*

Karimova Vasila Mamanosirovna – psixologiya fanlari doktori, professor, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti;

Hayitov Oybek Eshboyevich – Jismoniy tarbiya va sport boʻyicha mutaxassislarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish instituti, psixologiya fanlari doktori, professor

Umarova Navbahor Shokirovna – psixologiya fanlari doktori, dotsent, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti, Amaliy psixologiyasi kafedrasi mudiri;

Atabayeva Nargis Batirovna – psixologiya fanlari doktori, dotsent, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti;

Shamshetova Anjim Karamaddinovna – psixologiya fanlari doktori, dotsent, Oʻzbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Qodirov Obid Safarovich – psixologiya fanlari doktori (PhD), Samarkand viloyat IIB Tibbiyot boʻlimi psixologik xizmat boshligʻi.

*22.00.00-SOTSIOLOGIYA FANLARI:*

Latipova Nodira Muxtarjanovna – sotsiologiya fanlari doktori, professor, Oʻzbekiston milliy universiteti kafedra mudiri;

Seitov Azamat Poʻlatovich – sotsiologiya fanlari doktori, professor, Oʻzbekiston milliy universiteti;

Sodiqova Shohida Marxaboyevna – sotsiologiya fanlari doktori, professor, Oʻzbekiston xalqaro islom akademiyasi.

*23.00.00-SIYOSIY FANLAR*

Nazarov Nasriddin Ataqulovich –siyosiy fanlar doktori, falsafa fanlari doktori, professor, Toshkent arxitektura qurilish instituti;

Boʻtayev Usmonjon Xayrullayevich –siyosiy fanlar doktori, dotsent, Oʻzbekiston milliy universiteti kafedra mudiri.

**OAK Roʻyxati**

Mazkur jurnal Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2022-yil 30-noyabrdagi 327/5-son qarori bilan tarix, iqtisodiyot, falsafa, filologiya, yuridik va pedagogika fanlari boʻyicha ilmiy darajalar boʻyicha dissertatsiyalar asosiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar roʻyxatiga kiritilgan.

**Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari"** elektron jurnali 2020-yil 6-avgust kuni 1368-sonli guvohnoma bilan davlat roʻyxatiga olingan.

**Muassis**: "SCIENCEPROBLEMS TEAM" mas'uliyati cheklangan jamiyati

**Tahririyat manzili:**

100070. Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Kichik Beshyogʻoch koʻchasi, 70/10-uy. Elektron manzil: scienceproblems.uz@gmail.com

**Bogʻlanish uchun telefonlar:**

(99) 602-09-84 (telegram).

IJTIMOIY-GUMANITAR FANLARNING
DOLZARB MUAMMOLARI
4-jild, 12-son (dekabr, 2024). -679 bet.

**MUNDARIJA**

**07.00.00 – TARIX FANLARI**

*Turg'unov Sherzod Abduvositovich*
FARG'ONA VILOYATI SANOAT KORXONALARINING MODDIY-TEXNIK HOLATI VA ULARNING SANOAT ISHCHILARINING MEHNAT MUHOFAZASIDAGI AHAMIYATI HAQIDA AYRIM FIKR MULOHAZALAR (Farg'ona viloyatida 1950-1970-yillarda chop etilgan vaqtli matbuot nashrlarida e'lon qilingan maqolalar tahlili asosida) ........ 13-19

*Qalandarov Hamza Hamroqul o'g'li*
SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN ATEISTIK SIYOSATI VA XUDOSIZLAR JAMIYATI FAOLIYATI ........ 20-23

*Berdiyev Abduvali Abdug'aniyevich*
XVIII-XIX ASRLARDA XIVA XONLIGINING ERON VA ROSSIYA BILAN SIYOSIY VA IJTIMOIY ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR ........ 24-32

*Сойиб Раунов*
КАМБАҒАЛЛИК ВА УНИ ҚИСҚАРТИРИШ МУАММОЛАРИ ........ 33-42

*Abdimo'minov Oybek Bektemirovich*
MARKAZIY OSIYO MINTAQASIGA ILMIY QARASHLAR VA KONSEPTUAL MASALALARNING AYRIM JIHATLARI ........ 43-48

*Toshpulatov Nurbek Boboqul o'g'li*
XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA SAMARQAND VILOYATI BOZORLARI VA KARVONSAROYLARI TARIXI ........ 49-53

*Temirova Munira*
ESKI TERMIZ SIMOBKO'ZACHALARI HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR ........ 54-58

*Sattorova Shahlo*
SHAYBONIYLAR DAVRIDA JO'YBOR XO'JALARINING BUNYODKORLIK FAOLIYATI ........ 59-63

**08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI**

*Yazdonova Saxiba Kurbanovna*
KIBERMAKON: TA'LIM, TARBIYA VA IQTISODIY TA'SIR TENDENSIYALARI ........ 64-72

*Таниев Аҳмаджон Бахромович*
ТУРИЗМ, ГЛОБАЛЛАШУВ ВА САВДО: УЛАРНИНГ АТРОФ-МУҲИТГА ТАЪСИРИ ........ 73-82

*Ходжаниязов Элбек Сардорович*
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМ ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ ........ 83-93

*Raximov Baxromjon Ibroximovich, Ibrohimova Maqsuda Muhammadjon qizi*
O'ZBEK SANOATINING INNOVATSION TARAQQIYOTI VA IQTISODIY O'SISHDAGI ROLI ........ 94-99

*Ahmedov Adham Djalolovich*
AHOLI BANDLIGINI TA'MINLASHDA FUQAROLARNING O'ZINI O'ZI BOSHQARISH ORGANLARI FAOLIYATINI SAMARALI TASHKIL ETISH ........ 100-105

*Ablazov Nurillo Xusanboyevich*
QURILISH KORXONALARI DEBITORLIK VA KREDITORLIK QARZLARINI HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH ........ 106-112

*Абдурахманов Мухторали*
ҲУДУДИЙ КЛАСТЕРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ........ 113-116

*Poshokulova Mohigul*
BILIMLAR IQTISODIYOTINING ZAMONAVIY SHAKLLARI MAKTABGACHA VA MAKTAB TA'LIM TIZIMIDA ........ 117-122

*Toxirov Akbarxon Toirxon oʻgʻli*
INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI QOʻLLASH ORQALI KORXONANING IQTISODIY XAVFSIZLIGINI TA'MINLASH: YANGI IMKONIYATLAR VA TAHDIDLAR ........ 123-131

*Sayfutdinova Nigina Furkatovna*
OʻZBEKISTONDA INNOVATSIYALARNI RIVOJLANTIRISH ASOSIY AHAMIYATLARI ...... 132-135

## 09.00.00 – FALSAFA FANLARI

*Shakarov Oybek Xudoyberdi oʻgʻli*
OʻZBEK XALQI ETOSFERASIDA KORRUPSION MUNOSABATLAR PAYDO BOʻLISH SABABLARINING FALSAFIY TAHLILI ........ 136-139

*Жўрамуродов Нодир Ғайбуллаевич*
ЖАДИДЛАР ФАЛСАФАСИДА МИЛЛИЙ ҒОЯ, МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ВА МИЛЛИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ........ 140-144

*Sayidova Muhabbat Gʻafforovna*
GLOBAL AXBOROTLASHUV TENDENSIYALARINING MILLIY VA MA'NAVIY QADRIYATLARGA TA'SIRI ........ 145-149

*Kuraxmedov Azamat Erkinovich*
SAMARQAND JADIDCHILARINING TURKISTON MA'RIFATPARVARLIK FALSAFASI RIVOJIDA TUTGAN OʻRNI ........ 150-153

*Umarova Feruza Rozibayevna*
OʻZBEK XALQI MA'NAVIY MADANIYATI RIVOJLANISHINING ASOSIY XUSUSIYATLARI ........ 154-156

*Samijonov Azizbek Ismoiljon oʻgʻli*
KIBERXAVFSIZLIKNI TA'MINLASHNING FALSAFIY-KONSEPTUAL TAHLILI ........ 157-161

*Begbudieva Parvina Shoxruxovna*
THE CONTRIBUTION OF MAHMUDHODJA BEHBUDI TO THE FORMATION AND DEVELOPMENT OF EDUCATION SYSTEM OF TURKESTAN ........ 162-166

*Aytbayev Mansurbek Yusupovich*
MAHMUD AZ-ZAMAXSHARIY AQL-ZAKOVAT TOʻGʻRISIDA ........ 167-173

*Muslimov Sherzod Akbarovich*
ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR MA'NAVIY MEROSI: JAMIYAT, SIYOSAT VA SHE'RIYAT ........ 174-178

*Jantayev Maqsud Ibragimovich*
MUHAMMAD AL-XORAZMIY: MATEMATIKADAN FALSAFAGACHA BOʻLGAN ILMIY IZLANISHLAR ........ 179-184

*Norova Malika Fayzulloyevna*
TASAVVUF TA'LIMOTI VA UNING SAYFIDDIN BOXARZIY DUNYOQARASHIGA TA'SIRI ........ 185-191

*Gulova Anorgul Axtamovna*
O‘ZBEKISTONDA ALISHER NAVOIY ASARLARIGA BO‘LGAN MUNOSABAT ........................ 192-196

*Absattorov Baxtiyor Mamarasulovich, Karimova Gulchehra Abdukarimovna*
BURCH VA MAS’ULIYAT TUSHUNCHALARINING TARIXIY-NAZARIY, AN’ANAVIY VA ZAMONAVIY TALQINI ........................ 197-205

*Berdikulov Chingiz Dusmuradovich*
IJTIMOIY MULOQOT-SHAXS INTELLEKTUAL MADANIYATINING SHAKLLANISH OMILI ........................ 206-211

*Mamarasulov Baxriddin Shakasimovich*
MILLIY-MA’NAVIY YUKSALISH – MAMLAKATIMIZ MA’NAVIY TARBIYA TIZIMINING YANGI STRATEGIYASI SIFATIDA ........................ 212-216

*Nurmatov Kamaridin Shamsiyevich*
JAMIYAT TARAQQIYOTIDA ADOLAT TUSHUNCHASINING O‘RNI ........................ 217-221

*Bekpo‘latov Ulug‘bek Rahmatulla o‘g‘li*
JAMIYAT TARAQQIYOTIDA SIMMETRIYA VA ASIMMETRIYA BIRLIGINI TA’MINLASHNING DIALEKTIK TAHLILI ........................ 222-228

**10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI**

*Бердиева Мукаррама Анваровна, Чернова Наталья Васильевна*
СТРАТЕГИИ ЛИНГВОМЕТОДИЧЕСКОГО ПОДХОДА ДЛЯ ФОРМИРОВАНИЯ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ ........................ 229-234

*Жамаҳматов Кароммиддин Айнилло ўғли*
БУРҲОНИДДИН ТЕРМИЗИЙ АСАРЛАРИНИНГ САЛЖУҚИЙЛАР ДАВРИДА ЯРАТИЛГАН ТАСАВВУФИЙ МАНБАЛАРГА ТАЪСИРИ ........................ 235-243

*Temirova Aziza Muzaffarovna, Uralova Oysuluv Poyan qizi*
ZAMONAVIY TILSHUNOSLIKDA “KO‘K” SIFAT BELGISINING SEMANTIK XUSUSIYATLARINING TADQIQI ........................ 244-247

*Mansurova Mohinur Akmal qizi*
HAJVIY TAFAKKUR TABIATI – SATIRA VA YUMOR TUSHUNCHASI ........................ 248-252

*Яркулова Фотима Усмановна, Исломова Марьям*
ИМЕННОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ В ПОВЕСТЯХ И.С.ТУРГЕНОВА ........................ 253-257

*Murodova Muqadas Ikromovna*
XX ASR INGLIZ VA O‘ZBEK ADABIYOTIDA YARATILGAN SATIRIK ASARLAR TADQIQI ........................ 258-263

*Ruzmatova Gulnara Kulmamatovna*
O‘ZBEK ADABIYOTIDA LATIFA JANRI TARAQQIYOTI VA TAHLILI ........................ 264-268

*Davronov Shexroz Abrorovich*
OG‘ZAKI TARJIMA VA UNDA KOMPRESSIYANING ROLI ........................ 269-273

*Begmatov Azizbek Tursunbayevich*
INGLIZ VA O‘ZBEK TILLARIDAGI ONOMASTIK BIRLIKLAR TADQIQI ........................ 274-280

*Ibragimova Moxiraxon Anvarovna*
NUTQIY AKTLAR TASNIFI ........................ 281-285

*Расулова Истода Абдулатифовна*
К ПРОБЛЕМЕ ДЕФИНИЦИИ ЯЗЫКОВЫХ УНИВЕРСАЛИЙ: ИССЛЕДОВАНИЕ ИНВАРИАНТНЫХ СВОЙСТВ В КОНТЕКСТЕ ЯЗЫКОВОЙ ВАРИАТИВНОСТИ ........................ 286-293

*Obidova Goʻzalxon Maʼrufjon qizi*
OʻZBEK TILIDA OMAD VA OMADSIZLIKNI NOMLOVCHI LEKSIK VA FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR ........ 294-299

*Furkatova Maxliyo Toʻlqin qizi*
OʻZBEK VA INGLIZ TILLARIDAGI SHAXS-SON KATEGORIYASI ........ 300-309

*Baxramov Xabibillo Sadikovich*
INGLIZ TILIDA “POISON-ZAHAR” KONSEPTINING SEMANTIK XUSUSIYATLARI ........ 310-315

*Тухтаев Сирожиддин Тошўлатович*
ПАРЕМИОЛОГИЯДА САХИЙЛИК КОНЦЕПТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ........ 316-323

*Qiyomov Shohabbosxon Sharofiddin oʻgʻli*
XATTOTLIK SANʼATINING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI ........ 324-327

*Sobirjonova Muxlisa Sobirjonovna*
YOLGʻIZLIK FENOMENINING PSIXOLOGIK, IJTIMOIY VA EKZISTENSIAL ASPEKTLARI ........ 328-331

*Qayumova Mohinur Murodullayevna*
LEXICAL-SEMANTIC FEATURES OF THE CONCEPT «STEP» IN THE ENGLISH LANGUAGE ........ 332-337

*Sayipova Dilafruz Rahimovna*
OʻZBEK NASRI TARAQQIYOTIDA “BOBURNOMA”NING AHAMIYATI ........ 338-342

*Diyarov Akmal Toʻlqin oʻgʻli*
INGLIZ TILIDAGI BOGʻDORCHILIK TERMINLARINING GENETIK-ETIMOLOGIK TAVSIFI ........ 343-348

*Атаназарова Шохида Бахрамовна*
РЕКЛАМАДА ИЛЛОКУЦИЯ ВА ПЕРЛОКУЦИЯНИНГ АМАЛГА ОШИШИДА БИЛБОРДЛАРНИ АҲАМИЯТИ (РЕКЛАМА БАННЕРЛАРИ МИСОЛИДА) ........ 349-353

*Mamadqulova Kamila Abduxoliqovna*
ANCIENT EGYPTIAN LITERATURE: THE OLD, MIDDLE AND NEW KINGDOMS ........ 354-364

*Alimova Dilrabo*
SHARQ ADABIYOTIDA QASIDANING TARIXIY TAKOMILI ........ 365-373

*Abduqaxxorova Nargiza Rustamovna*
RUS VA OʻZBEK TILLARIDAGI TOPISHMOQLARNING LINGVOKULTUROLOGIK TADQIQI ........ 374-379

*Курбонова Нодира Розиковна, Пулатова Сабина Шарифовна*
ЛИТЕРАТУРНЫЙ АНАЛИЗ ТЕМЫ УТРАЧЕННОЙ РОДИНЫ В РОМАНЕ ВЛАДИМИРА НАБОКОВА «МАШЕНЬКА» ........ 380-390

*Khamidov Tohirjon Olmos ogli*
ANALYSIS OF TYPES OF ENGLISH PHRASAL VERBS ACCORDING TO THE STRUCTURE ........ 391-396

*Umurzakova Kommuna Xursanovna*
OʻZBEKISTON IJTIMOIY TARMOQLARIDA YOSHLAR NUTQIDAGI OʻZGARISHNING TAʼLIM JARAYONIGA TAʼSIRI ........ 397-402

*Habibullayeva Shoira Shukurillayevna*
ONA TILI DARSIDA GAP BOʼLAKLARI VA ULARNI TAHLIL QILISH METODIKASI ........ 403-406

## 12.00.00 – YURIDIK FANLAR

*Imomov Nurillo Fayzullayevich*
TA'MINLOVCHI TO'LOV – MAJBURIYATLARNI TA'MINLASHNING YANGI USULI SIFATIDA ........ 407-414

*Салаев Нодирбек Сапарбаевич*
ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ДЕКРИМИНАЛИЗАЦИЯ: МОҲИЯТИ, ТУРЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР ........ 415-431

*Ходжиев Юнус Мухитдинович*
МУЛК ҲУҚУҚИ БЕКОР БЎЛИШИНИНГ ШАХС ИХТИЁРИГА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН АСОСЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ........ 432-436

*Сайдивалиева Хуршида*
БОЛАЛАРНИ ОИЛАГА ТАРБИЯГА БЕРИШ ЮЗАСИДАН ВУЖУДГА КЕЛУВЧИ МУНОСАБАТЛАРНИ КЕЛИШУВЛАР АСОСИДА ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ ........ 437-445

*Miqumov Bobur*
THE LEGAL NATURE OF E-COMMERCE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ........ 446-451

*Raimova Nargiza Doroyevna, To'ychiyeva Bahora Otabekovna*
PREVENTING FALSE AND MANIPULATIVE ADVERTISING IN SOCIAL NETWORKS ........ 452-459

*Чориева Хуршидабону Хуррам қизи*
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ........ 460-468

*Toshkanov Nurbek Bahriddinovich*
UNDIRUVNI INTELLEKTUAL MULK OBYEKTLARIGA BO'LGAN HUQUQLARGA QARATISHNING AYRIM FUQAROLIK-HUQUQIY MASALALARI ........ 469-478

*Kubaeva Ismigul Farxod qizi*
CHALLENGES OF BLOCKCHAIN TO LAW AND STATE ........ 479-484

*Юсупов Ўктамбой Абсаматович*
ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ........ 485-491

*Баходирова Сабина Улугбек кизи*
РОЛЬ ЭКСПЕРТИЗЫ ПРИ КВАЛИФИКАЦИИ УМЫШЛЕННОГО ТЯЖКОГО ТЕЛЕСНОГО ПОВРЕЖДЕНИЯ ........ 492-503

*Эгамбердиев Ферузбек Аскаржон угли*
НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНСТИТУТА ХОДАТАЙСТВ КАК СПОСОБ ЗАЩИТЫ ПРАВ УЧАСТНИКОВ НА ДОСУДЕБНОМ ЭТАПЕ УГОЛОВНОГО ПРОЦЕССА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ........ 504-508

*Ibrohimov Behzodbek Bahromjon o'g'li*
O'ZBEKISTONDA MOLIYAVIY HUQUQIY MUNOSABATLAR ASOSI VA AHAMIYATI ........ 509-520

*To'ychiyeva Bahora Otabekovna, Raimova Nargiza Doroyevna*
PREVENTING FALSE AND MANIPULATIVE ADVERTISING IN SOCIAL NETWORKS ........ 521-528

## 13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

*Ibraximov Sanjar Urunbayevich*
SPORT MASHG‘ULOT JARAYONINI TASHKIL ETISHNING ZAMONAVIY YO‘LLARI VA TAMOYILLARI ........ 529-539

*Urazkulova Anna Vitalyevna*
OLIY TA’LIMDA RUS TILI FANINI O‘QITISHDA MUSTAQIL TA’LIMNING TOPSHIRIQLARINI ILMIY-PEDAGOGIK AHAMIYATI ........ 540-545

*Қаршиева Дилбар Эшпулатовна*
ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНИШИДА МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТНИНГ ЎРНИ ........ 546-550

*Ajiyeva Muxabbat Baxtibayevna*
KIMYO FANI BO‘YICHA MASHG‘ULOTLARNI FANLARARO INTEGRATSIYA ASOSIDA TASHKIL ETISH ........ 551-555

*Fayzullayeva Gulchexra Sharipboyevna*
O‘QITUVCHILARNI KASBIY RIVOJLANTIRISHDA QIYOSIY TAHLIL: JARAYON VA FAOLIYATLI YONDASHUV ........ 556-564

*Radjabova Gulnoza Giyosiddinovna*
SHIFTING THE FOCUS OF CORPUS LINGUISTICS FROM RESEARCH TO CLASSROOM PRACTICE ........ 565-570

*Акрамова Умеда Салиевна*
ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИКТ ДЛЯ УЧАЩИХСЯ С НЕРУССКИМ ЯЗЫКОВЫМ ФОНОМ ........ 571-582

*Abdusattarova Zaynab Abdujalil qizi*
MATEMATIKA FANINI LOYIHAVIY TA’LIM TEXNOLOGIYASI ORQALI O‘QITISH ASOSIDA BOSHLANG‘ICH SINF O‘QUVCHILARIDA XXI ASR KO‘NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHNING AHAMIYATI ........ 583-590

*Boboqulov Chori Urolovich*
SHAXMAT O‘YINI ORQALI BOSHLANG‘ICH SINF O‘QUVCHILARIDA FIKRLASH QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI ........ 591-595

*To‘xtayev Hasan Toshpo‘latovich*
ZAMONAVIY MAKTAB O‘QUVCHILARINI MA’NAVIY-AXLOQIY TARBIYALASHDA KOGNITIV-PSIXOLOGIK TO‘SIQLARNING TA’SIRI ........ 596-599

*Yaqubov Fazliddin Muxitdinovich*
JISMONIY TARBIYA VA SPORT MUTAXASSISLARI KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH ........ 600-607

*Rahimova Dilshoda Baxriddinovna, Turatosheva Sadoqat Raxmatullayevna*
OLIY TA’LIM MUASSASALARIDA TA’LIM SIFATINI OSHIRISH (SOTSIOLOGIK TAHLIL) ........ 608-615

*Мадаминова Наргизахон Жахонгир қизи*
МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА МОСЛАШТИРИЛГАН ВИРТУАЛ ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ ........ 616-619

*Qodirov Xasanboy Oribjonovich*
RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA TEXNIKA OLIY TA’LIM SOHASI MUTAXASSISLARDA KASBIY-IJODIY SIFATLARNI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI ........ 620-526

*Aliyeva Iroda Otabek qizi*
MAKTABGACHA TA’LIMGA XORIJ TAJRIBASINI QO‘LLASH BO‘YICHA MAVJUD TA’LIM TALABLARINING TASNIFI YUZASIDAN TAHLILLAR ........ 627-631

*Ro‘zimurodov Ilyos Azamat o‘g‘li*
O‘RTA ASRLAR MARKAZIY OSIYO MUTAFAKKIRLARINING CHOLG‘USHUNOSLIKKA OID NAZARIYALARI: ABU NASR FOROBIYNING MUSIQIY TADQIQOTLARI ........ 632-636

*Yaxshiboyeva Shahnoza Bahodir qizi*
JAHON AXBOROT RESURSLARI ORQALI TALABALARNING TADQIQOTCHILIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK ASOSLARI ........ 637-642

*Салиев Улугбек, Салиева Нигора*
ОБЩЕНИЕ МЕДИЦИНСКОГО РАБОТНИКА: РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ В ПРАКТИКЕ ........ 643-648

*Маматкулова Угилжон Эшмирза кизи, Абдуллаева Дилбар Алимбаевна*
МЕТОДИЧЕСКАЯ ИНФОРМАЦИОННАЯ ПЛАТФОРМА ДЛЯ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА, ИЗУЧАЮЩИХ АНГЛИЙСКИЙ ЯЗЫК, И ПУТИ ЕЕ РЕАЛИЗАЦИИ ........ 649-655

*Муминова Офтобхон Каримовна*
ИСТОРИЯ ЛАТИНСКОГО ЯЗЫКА В МЕДИЦИНЕ: ОТ АНТИЧНОСТИ ДО СОВРЕМЕННЫХ ТЕРМИНОВ ........ 656-661

*Ахмедова Уктамхон*
РОЛЬ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЗАНЯТИЙ РУССКОГО ЯЗЫКА В МЕДИЦИНСКОМ ВУЗЕ ........ 662-667

*Sattarova Markhabo Raxmonkulovna*
TA’LIMDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI QO‘LLASH ........ 668-672

*Nuriddinova Robiya Bekjonaliyevna*
MAKTABGACHA VA BOSHLANG‘ICH TA’LIMDA MATEMATIKA MASHG‘ULOTLARINING UZVIYLIGINI TA’MINLASH YO‘NALISHLARI ........ 673-678

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari
Actual Problems of Humanities and Social Sciences
Volume 4 | Issue 12 | 2024
ISSN Online: 2181-1342

**Received:** 30 November 2024
**Accepted:** 5 December 2024
**Published:** 15 December 2024

*Article / Original Paper*

# PROSPECTS FOR IMPROVING THE RIGHTS AND OBLIGATIONS OF GUARDIANSHIP AND PATRONAGE BODIES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**Chorieva Khurshidabonu Khurram kizi,**
National University of Uzbekistan named after Mipzo Ulug‘bek
Faculty of social sciences
Senior teacher of the department of legal sciences
E-mail: choriyevahurshida@gmail.com

**Abstract.** This article analyzes the issues related to improving the rights and responsibilities of guardianship and trusteeship authorities. It examines the norms concerning these authorities' rights and responsibilities in the legislation of the Republic of Uzbekistan, as well as scientific views and the experience of other countries. Based on this analysis, the article develops scientific and practical proposals for improving activities in this area.

**Keywords:** guardian, trustee, legal basis, rights and obligations, national legislation, social protection, education and upbringing.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Чориева Хуршидабону Хуррам қизи,**
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Ижтимоий фанлар факультети
Ҳуқуқий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Мазкур мақолада васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини такомиллаштириш истиқболларига оид масалалар таҳлил қилинди. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида келтирилган васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига оид нормалар олимларнинг илмий қарашлари, хорижий давлатлар тажрибаси асосида қиёсан ўрганилди. Мазкур соҳадаги фаолиятни ривожлантириш юзасидан илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** васий, ҳомий, ҳуқуқий асос, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, миллий қонунчилик, ижтимоий ҳимоя, таълим ва тарбия.

DOI: https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I12Y2024N65

**Кириш.** Бугунги кунда янги Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш мамлакат ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада васийлик ва ҳомийлик органлари оила, болалар ва бошқа ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг ажралмас қисми сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Улар нафақат ижтимоий адолатни

таъминлаш, балки кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини амалда таъминлашда муҳим вазифаларни бажаради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқ белгилаш ҳамда уларнинг самарали фаолият юритиши учун кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги "Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-82-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ташкил этилди [1].

Мазкур Фармон билан Агентликнинг асосий фаолият йўналишлари белгиланди. Жумладан, Агентлик вояга етмаган болаларни ҳимоя қилиш йўналишида:

– болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– **васийлик ва ҳомийлик тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, оилага асосланган болаларни парвариш қилишнинг муқобил шаклларини ривожлантириш**;

– фарзанд асраб олиш тизимини такомиллаштириш;

– ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни ташкил этиш;

– ҳимояга муҳтож болаларни даволашни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш каби вазифаларни амалга оширишига оид нормалар мустаҳкамланди.

Шунингдек, ҳозирги кунда васийлик ва ҳомийлик тизимини такомиллаштириш, васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, бу борада қонунчилик базасини такомиллаштириш зарурати мавжуд. Мазкур масала нафақат миллий, балки халқаро миқёсда ҳам ўрганилган бўлиб, дунёнинг кўплаб мамлакатлари тажрибасида бу органларнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича турли чора-тадбирлар амалга оширилган.

Ушбу мақолада Ўзбекистонда васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича истиқболли таклифларни ишлаб чиқиш мақсад қилинган. Бунда илмий адабиётлар таҳлили, миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормалари ўзаро солиштирилади. Шунингдек, мақолада мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан амалий таклифлар илгари сурилади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятини самарали ташкил этиш нафақат уларга ишонилган шахслар ҳуқуқларининг кафолати, балки ижтимоий барқарорлик ва адолат принципларини амалга оширишда ҳам муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли, ушбу масаланинг ҳуқуқий-ижтимоий аҳамияти ниҳоятда катта.

**Методология.** Ушбу мақолани тайёрлашда IMRAD усулидан фойдаланилди. Бунда тегишли соҳадаги хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикри ўрганилди, муҳокама қилинди ва таққосланди. Шунингдек, мақолани таҳлил қилиш давомида муаллифнинг илмий қарашлари, субъектив фикрлари ҳам келтириб ўтилди.

**Асосий илмий адабиётлар таҳлили.** Васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятини ўрганиш, унинг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатларини таҳлил қилиш жаҳон илмий жамоасида муҳим тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар кўпинча ҳимояга муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари, қонунчиликнинг самарадорлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш масалаларига қаратилган.

Масалан, бир қатор тадқиқотлар халқаро васийлик механизмларининг ижтимоий фаровонликни таъминлашдаги аҳамиятини таъкидлайди. Жумладан, Европа ва Бошқа давлатларда васийлик органларининг самарадорлигини ошириш борасида халқаро тажриба таҳлил қилинган.

Ижтимоий ёрдам институтларининг муваффақиятли фаолиятида бюрократик жараёнларнинг соддалаштирилиши ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро қонунларнинг татбиқ этилиши муҳимдир. Бу мавзу халқаро кўламдаги бир қатор тадқиқотларда ёритилган [2].

Васийлик ва ҳомийлик органлари фақат ҳуқуқий ҳимоя учун эмас, балки жамиятда ижтимоий фаровонликни таъминлашга хизмат қиладиган асосий механизм ҳисобланишини таъкидлаш жоиз. Бу фикрдан келиб чиқиб, васийлик ва ҳомийлик тизимининг жамиятдаги ижтимоий аҳамиятини тўғри англаш муҳимдир.

Ўзбекистонда васийлик ва ҳомийлик органлари фаолияти юзасидан бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Ушбу тадқиқотлар таҳлили орқали васийлик органларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқ белгилаш қонунчилик самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, ижтимоий ҳимоя тизимининг барқарорлигини таъминлаши хизмат қилиши тўғрисида хулосага келиш мумкин.

**Миллий тадқиқотлар таҳлили**

Ўзбекистон қонунчилигида васийлик ва ҳомийлик фаолияти ҳуқуқий асосга эга бўлиб, асосан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси [3] ва “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонун [4] билан тартибга солинади. Бироқ, олимлар ва мутахассислар бу соҳадаги қонунчилик меъёрларининг амалдаги ижросини янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидлайдилар.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятига ҳаддан ташқари бюрократик ёндашувлар ижтимоий ҳимоя тизимининг ишончлилигига салбий таъсир кўрсатади. Мазкур тизимни ислоҳ қилишда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро нормалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шунингдек, васийлик ва ҳомийлик тизимини такомиллаштириш учун давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш тавсия қилинади. Бунда таълим ва ижтимоий ҳимоя соҳасидаги давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлиги васийлик тизимини мустаҳкамлашда асосий омил бўлиб хизмат қилишига эътибор қаратиш лозимдир.

**Халқаро тажриба таҳлили**

Хорижий давлатларда васийлик ва ҳомийлик тизимлари қонунчилик ва амалий жиҳатдан кўплаб ўзгаришларни бошдан кечирган. Масалан, **Германияда** васийлик ва ҳомийлик органлари фаолияти Федерал Оила қонунчилиги асосида амалга оширилади. Бунда органлар фақат ҳимоя вазифаларини эмас, балки **ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган кенг функцияларни бажарадилар**.

**Хитойда** эса, васийлик масалаларида анъанавий оилавий муносабатлар катта аҳамиятга эга бўлиб, **давлат органлари** оилавий ҳимоя тизимини қўллаб-қувватлашга қаратилган **махсус дастурлар ишлаб чиқишади**.

**Натижа ва муҳокамалар.** Васийлик ва ҳомийлик органлари Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимоя тизимининг муҳим бўғини ҳисобланади. Улар алоҳида ғамхўрликка, шунингдек ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож бўлган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмаган ота-онаси бўлган ҳамда болаларнинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғдираётган ёки уларнинг таъминоти, тарбия ва таълим олишига доир талабларга жавоб бермайдиган шароитда яшаётган болалар, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқаролар, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат томонидан белгиланган ваколатли органлардир. Улар фаолияти нафақат ҳуқуқий жиҳатдан, балки ижтимоий, маънавий ва маданий мезонларга ҳам асосланади.

**Васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳуқуқлари**

Васийлик ва ҳомийлик органларига қуйидаги асосий ҳуқуқлар берилади:

Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуни 31-моддасига мувофиқ, васийлар ўз васийлигидаги шахсларнинг қонуний вакили бўлиб, уларнинг номидан ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб барча зарур битимларни тузади.

Ҳомийлар ўз ҳомийлигидаги шахсларнинг қонуний вакили бўлиб, ҳомийлигидаги шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишида ва мажбуриятларини бажаришида кўмаклашади, шунингдек уларни учинчи шахслар томонидан бўладиган суиистеъмолликлардан муҳофаза қилади.

Васийлар ва ҳомийлар:

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсни унинг фикрини ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда тарбиялаш усулларини мустақил белгилашга;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсни қонуний асосларсиз ўзида ушлаб турган ҳар қандай шахсдан, шу жумладан ота-онасидан ҳамда бошқа яқин қариндошларидан уни қайтариб беришни суд тартибида талаб қилишга;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг таъминоти, унга тарбия, таълим бериш ва унинг соғлиғини сақлаш бўйича ҳуқуқий, услубий, диагностика ва маслаҳат ёрдами олишга;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахс мустақил равишда амалга оширишга ҳақли бўлмаган битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширишга;

зарур ижтимоий ёрдам олиш учун васийлик ва ҳомийлик органларига, таълим муассасаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, нодавлат нотижорат ташкилотларига мурожаат қилишга;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг даволаниши ва соғлиғини тиклаши мақсадида даволаш, санаторий-курорт муассасаларига йўлланмалар олиш учун соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат қилишга ҳақли.

Васийлар ва ҳомийлар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**Мажбуриятлар ва уларнинг ижтимоий аҳамияти**

Қонунчиликка мувофиқ, васийлик ва ҳомийлик органлари фақат ҳуқуқларга эмас, балки мажбуриятларга ҳам эга. Ушбу мажбуриятлар қуйидагилардан иборат:

**– ҳимояга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлаш**: етим болалар, ногиронлиги бўлган шахслар ёки бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий ҳолатини яхшилашда амалий ёрдам кўрсатиш;

**– инсон ҳуқуқларини кафолатлаш**: ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсни тарбиялаши, унинг таъминоти, соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиши, шунингдек унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

**– таълим ва тарбияни таъминлаш**: ёш болалар васийликка ёки ҳомийликка берилганда, уларнинг таълим олиши, соғлом ривожланиши ва ижтимоий ҳаётга мослашувини таъминлаш муҳим ҳисобланади.

**Соҳада мавжуд муаммолар таҳлили**

Бугунги кун амалиётида васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятида бир қатор муаммолар мавжудлигини келтириш мумкин. Хусусан:

- **Бюрократик тўсиқлар**: Аниқ ҳаракат дастурларининг йўқлиги ва ҳужжатлаштириш жараёнидаги мураккабликлар органларнинг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.
- **Ҳуқуқий бўшлиқлар**: Васийлик ва ҳомийлик органларига оид қонунчиликда баъзи меъёрлар аниқ кўрсатилмаганлиги амалиётда зиддиятларга олиб келаётган ҳолатлар ҳам учрамоқда.
- **Молиявий етишмовчилик**: Бу органларнинг фаолияти учун ажратиладиган маблағлар доимо етарли эмасдек туюлади, бу эса, ҳимояга муҳтож шахсларга қаратилган хизматларнинг сифатини пасайтириши мумкин.

Васийлик ва ҳомийлик органлари жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим қисми ҳисобланади. Уларнинг самарали фаолияти ижтимоий адолатни таъминлашга ёрдам беради. Жумладан, уларнинг назорати остида бўлган шахслар жамиятнинг тўлақонли аъзолари бўлиб етишиш имкониятига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳуқуқий асослари давлат қонунчилигида мустаҳкамланган. Улар, асосан, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонун, шунингдек, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бироқ, амалиётдаги вазият ушбу қонунчилик базасини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси васийлик ва ҳомийлик муносабатларининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Кодекснинг тегишли моддаларида қуйидаги масалалар акс этган:

- васийлик ёки ҳомийликка бериладиган шахслар доираси;
- васийлар ва ҳомийларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

– ушбу органлар томонидан амалга ошириладиган назорат ва кузатув механизмлари.

Бироқ Фуқаролик кодексида васийлик ва ҳомийлик органлари ваколатларини аниқлаштириш, уларнинг жавобгарлик соҳасини белгилашда маълум етишмовчиликлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуни васийлик ва ҳомийлик муносабатларини батафсил тартибга солиш мақсадида қабул қилинган. Қонун қуйидагиларни ўз ичига олади:

– васийлик ва ҳомийлик органлари ваколатлари;
– ҳимояга муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш механизмлари;
– васийлар ва ҳомийларни танлаш ва уларнинг фаолияти устидан назорат қилиш тартиби.

Шунга қарамай, мазкур Қонун илмий жамоатчилик томонидан амалдаги мураккаб бюрократик жараёнларни соддалаштиришда етарлича самарали эмаслиги билан фикр-мулоҳазаларга сабаб бўлмоқда.

Фикримизча, васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги миллий қонунчиликни такомиллаштиришда халқаро тажрибани ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Илғор ривожланган давлатлардан бири **Германия** Федерал қонунчилигида васийлик органлари нафақат ҳуқуқий ҳимоя билан чекланмай, балки ижтимоий хизматларни ҳам таъминлайди. Бу хизматлар орқали болаларнинг таълим олиши, ижтимоий мослашуви ва тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади.

Германия Федератив Республикасида Ёшлар агентлиги мавжуд бўлиб, ушбу Агентлик кўплаб муаммоларни ҳал қилади. Мамлакатдаги деярли ҳар бир оила ҳаётида камида бир марта бўлса ҳам ушбу Агентлик ходимларига мурожаат қилади. Чунки Агентлик нафақат қаровсиз қолган ёки зўравонликка учраган болалар ва ўсмирлар муаммолари билан шуғулланади, балки барча оилаларга турли маслаҳат ва ёрдамлар кўрсатади.

Агар сизда ота-она тарбияси ёки болалар билан боғлиқ қийинчиликлар бўйича саволларингиз бўлса, сиз доимо Агентликнинг яшаш жойингиздаги бўлим ходимларига мурожаат қилишингиз мумкин. Болалар, шунингдек, ота-оналари билан боғлиқ муаммолар уларни қийнаётган бўлса, бевосита ушбу бўлимларда фаолият юритаётган ходимларга мурожаат қилишлари мумкин.

Ёшлар агентлиги фуқаролиги ёки яшаш жойидан қатъи назар, Германиядаги барча оилалар учун жавобгар бўлиб ҳисобланади [5].

Агентлик ота-оналарга, васийларга ёки болаларни тарбиялаш ва парвариш қилишда ота-она ҳуқуқига эга бўлган бошқа одамларга ёрдам беради. Агентлик ота-оналар, болалар ва ўсмирлар учун турли хил маслаҳат ва ёрдам турларини таклиф этади.

Шунингдек, Агентлик оила эҳтиёжларига мослаштирилган муҳитни яратишга ғамхўрлик қилади, яъни, болалар ва ўсмирлар учун турли хилдаги таклифлар беради, масалар, ўйин майдончаларини ўрнатиш, болалар учун турли тадбирларни ташкил қилиш, бепул чипталарни тарқатиш ва ҳоказо.

Агентликнинг яна бир муҳим вазифаси ёрдамга муҳтож болалар ва ўсмирларни ҳимоя қилишдир. Агар бола қаровсиз қолса ёки зўравонликка дучор бўлса,

Агентликнинг ГФР турли ҳудудларида жойлашган ёшлар билан ишлаш бўлимлари томонидан чора кўрилади ва зарур ёрдам кўрсатилади. Германияда болаларни калтаклаш ёки уларга ёмон муносабатда бўлиш тақиқланади.

Кўпинча Агентлик, шунингдек, ота-онасиз қолган болалар ва ўспиринларнинг ёки ота-оналари ҳозирда уларга ғамхўрлик қила олмайдиган болалар ва ўспиринларнинг васийси ҳисобланади.

Юқоридаги Германия Федератив Республикасида мавжуд ижобий тажрибани ҳам миллий қонунчилигимиз ва амалиётимизга киритиш орқали васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилиши мумкинлигини таъкидлаш ўринли.

Яна бир хорижий давлат **Россия Федерациясида** васийлик органларининг ваколатлари ва жавобгарликлари аниқлаштирилган бўлиб, бу органлар болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда кўпроқ ваколатларга эгадир. Масалан, улар васийларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш ва зарурат бўлганда, васийликни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистондаги васийлик ва ҳомийлик қонунчилигида васий ва ҳомийлар фаолияти устидан назорат механизмлари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги, қонун ҳужжатларида васийликка берилган шахсларнинг мол-мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида аниқ қоидалар мавжуд эмаслиги каби бир қатор муаммолар учрамоқда.

**Ислоҳотларга эҳтиёж**

Юқорида санаб ўтилган амалиётда учраётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан қонунчиликни такомиллаштириш борасида қуйидаги чора-тадбирларни кўриб чиқиш лозим:

- халқаро амалиётга таянилган ҳолда қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш;
- мол-мулкий манфаатларни ҳимоя қилиш механизмларини аниқ белгилаш;
- давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

**Таклифлар**

Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик органларининг фаолиятини янада самарали ва замонавий талабларга жавоб берадиган даражада такомиллаштириш учун қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

*1. Қонунчиликни такомиллаштириш*

**Васийлик ва ҳомийлик муносабатларини аниқлаштириш**: Қонунчиликда васийлик ва ҳомийликнинг вазифалари, мажбуриятлари ва чекловларини **янада аниқ белгилаш зарур**.

**Мол-мулкий муносабатлар кафолатини кучайтириш**: Бунда, васийликка берилган шахсларнинг мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун **аниқ механизмлар жорий этилиши** лозим. Масалан, мол-мулкни бошқариш тартиби ва унинг ҳисоботини тақдим қилиш мажбуриятини васийларга юклаш.

**Халқаро стандартлардан фойдаланиш**: Халқаро тажрибага асосланиб, васийлик ва ҳомийлик бўйича **аниқ** ва **соддалаштирилган қонунчилик моделини жорий этиш**.

*2. Амалиётни такомиллаштириш*

**Таълим ва тренинглар ўтказиш**: Васийлар, ҳомийлар ва васийлик органлари ходимлари учун мунтазам равишда махсус таълим дастурлари ва тренинглар ўтказиш зарур. Бу уларнинг ҳуқуқий асосларни яхши билиши ва мутахассислик даражасини оширишга хизмат қилади.

**Иш жараёнини рақамлаштириш**: Васийлик органларида бюрократик жараёнларни қисқартириш мақсадида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш. Масалан, ариза бериш, ҳужжатларни кузатиш ва назорат қилиш жараёнларини ўзида қамраб олган "**ягона онлайн платформа тизими**"ни **жорий этиш таклифи илгари сурилади.**

*3. Назорат ва ҳисобот тизимини яхшилаш*

**Ҳисоботни стандартлаштириш**: Васийлар ва ҳомийлар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар учун **ягона шакллар ишлаб чиқиш**. Шундай қилинган тақдирда мол-мулкий манфаатларни назорат қилиш фаолияти осонлаштирилишига эришилиши мумкин.

**Ташқи назорат механизмлари**: **Мустақил мониторинг органларини ташкил этиш** ва улар орқали васийликка берилган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш.

*4. Жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик*

**Соҳага нодавлат-нотижорат ташкилотларини кенг жалб қилиш**: Нодавлат ва жамоат ташкилотлари орқали васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш зарур ҳисобланади. Масалан, таълим, психологик ёрдам ва соғлиқни сақлаш хизматларини яхшилашда уларнинг ҳиссасини ошириш бугунги кунда мазкур соҳада долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

**Ҳомийлик фаолиятини тарғиб қилиш**: Ҳомийликнинг ижтимоий аҳамиятини жамоатчиликка тушунтириш учун ахборот кампанияларини ўтказиш.

*5. Халқаро ҳамкорликни кучайтириш*

**Таълим ва малака ошириш**: Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик орқали васийлик органлари ходимлари учун **малака ошириш дастурларини кенг йўлга қўйиш** орқали уларни илғор ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда ўз малакаларини оширишларига эришиш ҳам мазкур соҳанинг ривожи учун хизмат қиладиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

**Халқаро тажрибани ўрганиш**: Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб, замонавий ва самарали ишлаш услубларини ўзлаштириш.

*6. Ижтимоий ҳимояни кучайтириш*

**Ҳимояга муҳтож шахслар учун қўшимча имтиёзлар яратиш**: Давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган **махсус дастурлар** орқали ҳимояга муҳтож шахсларнинг таълим олиши, иш топиши ва ижтимоий ҳаётга мослашувини яхшилаш.

**Ресурслар тақсимотини оптималлаштириш**: Васийлик органлари фаолияти учун **ажратиладиган молиявий ресурсларни янада самарали тақсимлаш**.

**Хулоса.** Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик органлари жамият ижтимоий ҳимоя тизимининг муҳим бўғини бўлиб, унинг фаолияти жисмоний ёки руҳий жиҳатдан ҳимояга муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини

кафолатлашга қаратилган. Бу органларнинг ҳуқуқий асослари мавжуд бўлса-да, амалиётдаги баъзи муаммолар уларнинг самарали ишлашини чекламоқда.

Ушбу мақолада васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва ижтимоий аҳамияти таҳлил қилинди. Шунингдек, амалдаги қонунчиликнинг кучли ва заиф томонлари ёритилиб, халқаро тажриба билан солиштирилди. Қонунчиликдаги айрим бўшлиқлар, бюрократик жараёнлар ва молиявий ресурсларнинг етарли эмаслиги ушбу органларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мисоллар орқали ёритиб берилди.

Амалиётдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мақсадида бир қатор, хусусан, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш, васийлар ва ҳомийларнинг масъулияти ва ҳисобдорлигини кучайтириш, рақамли технологияларни жорий қилиш ва бюрократик жараёнларни соддалаштириш, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ташқи назорат ва мониторинг механизмларини жорий этиш каби амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Фикримизча, юқорида келтирилган таклифларни амалиётга татбиқ этиш орқали васийлик ва ҳомийлик органларининг фаолиятини янада самарали ташкил этиш мумкин. Бу эса, ҳимояга муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни янада кучайтиришга ёрдам беради.

Мухтасар қилиб айтганда, васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятини такомиллаштириш нафақат ҳуқуқий тизимни мустаҳкамлашга, балки жамиятда ижтимоий барқарорлик ва адолатни таъминлашга ҳам хизмат қилади. Шу сабабли, мазкур йўналишдаги ислоҳотлар нафақат давлат, балки жамоатчилик ҳамкорлиги орқали амалга оширилиши лозим.

## Adabiyotlar/Литература/References:

1. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.05.2024 й., 06/24/75/0335-сон; 21.11.2024 й., 06/24/185/0944-сон // https://lex.uz/docs/6480342
2. https://ghum.kuleuven.be/ggs/publications/working_papers/2009/34KnudsenNielsen
3. https://lex.uz/docs/111189, https://lex.uz/docs/180552
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон; 15.01.2020 й., 03/20/602/0052-сон, 28.09.2020 й., 03/20/638/1333-сон
5. https://handbookgermany.de/ru/youth-welfare-office

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## IJTIMOIY-GUMANITAR FANLARNING DOLZARB MUAMMOLARI

*№ 12 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari"** elektron jurnali
2020-yil 6-avgust kuni 1368-sonli
guvohnoma bilan davlat ro'yxatiga olingan.
**Muassis**: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
mas'uliyati cheklangan jamiyati

**Tahririyat manzili:**
100070. Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Kichik Beshyog'och ko'chasi, 70/10-uy. Elektron manzil:
scienceproblems.uz@gmail.com
**Bog'lanish uchun telefonlar:**
(99) 602-09-84 (telegram).